

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ НУРМУХАММАД НЕМАТИЛЛАЕВИЧ

**ОМОН МУХТОР РОМАНЛАРИ ПОЭТИКАСИ: РЕАЛИЗМ ВА
ФАНТАСТИКА УЙҒУНЛИГИ**

10.00.02 - Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Азизов Нурмухаммад Нематиллаевич

Омон Мухтор романлари поэтикаси: реализм ва фантастика
уйғунлиги 3

Азизов Нурмухаммад Нематиллаевич

Поэтика романов Омона Мухтара: гармоничность реализма и
фантастики 25

Azizov Nurmukhammad Nematillayevich

Poetics of novels by Omon Mukhtar: harmonious coexistence of realism and
fantasy..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ НУРМУХАММАД НЕМАТИЛЛАЕВИЧ

**ОМОН МУХТОР РОМАНЛАРИ ПОЭТИКАСИ: РЕАЛИЗМ ВА
ФАНТАСТИКА УЙҒУНЛИГИ**

10.00.02 - Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fil1494 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Куранов Дилмурат Хайдаралиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қобилова Зебохон Бакировна
филология фанлари доктори, доцент

Ҳамраева Муҳайё Аҳмадовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14; факс: 0 (374) 223-88-30; e-mail; agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги «___» рақамли реестр баённомаси).

Ш.Х. Шахабитдинова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф. Усманов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.д.

М.Э.Умарходжаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тамаддунида бадиий-эстетик тафаккурнинг юксалиши тарихий-маданий, ижтимоий-сиёсий воқелиklar негизда кечади. Ғоявий-мафкуравий қарашларнинг, ижтимоий кайфиятнинг ўзгариши, ўз навбатида, бадиий асарга муносабатнинг ҳам ўзгаришини тақозо этади. Шу маънода, бадиий асар поэтикасига хос бадиий психологизм, сюжет ва хронотоп каби масалаларни янгича ёндашув ва тамойиллар асосида тадқиқ этишга амалий эҳтиёж юзага келмоқда. Миллий насримиз, хусусан, романчиликдаги сифат ўзгаришлари, жанр табиатидаги янгиланишлар, услубий ранг-баранглик, фольклор ва бадиий адабиёт синтези каби поэтик ҳодисаларни, назарий аспектда, юксак адабий мезонларга таяниб, илмий асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё адабиётшунослигида роман поэтикасини реализм ва фантастика уйғунлиги, рамзий-мажозий, нореалистик тасвирлар, мифологик образ ва сюжетлар талқини орқали текширишга, давр руҳиятини, кишиларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини ўша давр юзага чиқарган йирик ижодкорлар ижодий мероси мисолида очиб беришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, XX аср ўзбек романчилиги тадрижий тараққиётини белгилаган ижтимоий-психологик, эстетик омиллар, халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ва Ғарб модернистик адабиёти таъсири сингари адабий масалаларни назарий асословчи мифопоэтик, қиёсий-типологик йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар қаторида замонавий ўзбек адабиётшунослигида ҳам мавжуд адабий анъаналар билан бирга жаҳон адабиётшунослигидаги янгича метод ва тамойилларни ижодий ўзлаштириш, тадқиқотларда фаол қўллаш кўникмаси изчил шаклланиб бормоқда. “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”¹. Бу борада маданий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада кенгайтириш, адабий алоқаларни тизимли равишда йўлга қўйиш, илмий изланишларни умуммиллий ва умуминсоний қадриятларга, жаҳон адабий-эстетик тафаккури тажрибаларига таянган ҳолда ва замонавий талаблар даражасида, илғор усуллар ёрдамида амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. №258 (6952)

ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда Омон Мухтор ижоди бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Жумладан, Ш.Дониёрова, Ў.Назаров, Н.Тоирова каби олимлар адиб ижодини турли илмий-адабий муаммолар доирасида монографик йўсинда тадқиқ этган бўлсалар, Ў.Солижонов, Ҳ.Каримов Ш.Давронова, И.Ёқубов, М.Пирназарова сингари адабиётшунослар ўз тадқиқотларида қўйилган муаммо тадқиқи юзасидан адиб романларига мурожаат этганлар.² Бундан ташқари, салмоқли илмий мақола ва тақризларда, давра суҳбатларида³ ёзувчи бадиий маҳорати, ижодидаги ўзига хослик, бадиий тасвирда олиб борган шаклий-услубий изланишлари каби илмий-назарий масалалар атрофлича ёритилиб, Омон Мухторнинг миллий насримиз тараққиётига қўшган ҳиссаси муносиб баҳоланган. Шунга қарамай, мазкур ишларнинг ҳеч бирида реализм ва фантастика уйғунлиги масаласи тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганилмаган. Дунё адабиётшунослигида, хусусан, рус адабиётшунослигида реализм ва фантастика уйғунлиги А.Пушкин, Л.Толстой, Ф.Достоевский, Н.Гоголь, М.Булгаков, М.Лермонтов каби сўз санъаткорлари ижоди

² Дониёрова Ш. Омон Мухтор ижодида янги талқинлар. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2017; Назаров Ў. Омон Мухтор романларида бадиий хронотоп муаммоси: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Қарши, 2018; Тоирова Н. Бадиий адабиётда кўзгу ва сурат рамзларининг ғоявий-эстетик вазифалари (Омон Мухтор ва Оскар Уайльд асарлари мисолида): филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Фарғона, 2018; Солижонов Ў. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. Филол.фан.док...дисс. – Тошкент, 1994; Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. – Тошкент: Янги нашр, 2010; Давронова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғарб анъаналарининг бадиий синтези. Филол.фан.док...дисс. – Самарқанд, 2019; Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол. фанлари д-ри. дисс. ... автореф. – Т.: 2018. 70 б. Пирназарова М. Хозирги ўзбек романларида услубий изланишлар. Филол.фан.номз....дисс. – Тошкент, 2006.

³ Норматов У, Қуронов Д. Романнинг янги умри. – Жаҳон адабиёти, 2001, № 9; Йўлдошев Қ. Юксалиш манзиллари // Китобда: Сўз ёлқини. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. Қуронов Д. Мустақиллик даври ўзбек романчилигида бадиий ифоданинг янгиланиши // Китобда: Адабий ўйлар. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2016; Шарафиддинова М. “Минг бир қиёфа” талқини. – Жаҳон адабиёти, 2008, №11; Тўйчиев А. Афсонавий Сукротни излаб. (Омон Мухторнинг “Афлотун” романи ва унинг қисқача мазмуни ҳақида). – Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1999, 12 ноябрь. Солижонов Ў. Ўзбек полифоник романлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. №5; Ёқубов И. Рух ва фикр эркинлиги. // “Илм сарчашмалари” УрДУ ахборотномаси. 2002, №4; Дониёрова Ш. Омон Мухтор ижодида фольклор анъаналари. – Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. № 5; Тоирова Н. Омон Мухтор ва О.Уайльд романларида иблис образи. – Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. № 1; Тоирова Н. “Кўзгу олдидаги одам” романида кўзгу деталининг ғоявий-эстетик вазифалари. Илмий хабарнома, АДУ, 2016. № 2; Мухтор О., Отабоев А. Кўзгу – рух поклиги. (давра суҳбати). Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995 й. 10 февраль; Мухтор О., Отабоев А. Ҳар кимнинг ўз замин, ўз осмони бор. (давра суҳбати). Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1998. – 6 март; Йўлдошев А., Мухтор О. Асар азоб билан ёзилади. // Китобда: Узун йўлакдаги икки киши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

мисолида кенг кўламда ёритилган бўлиб⁴, шу жиҳатдан замонавий ўзбек насри, хусусан, Омон Мухтор ижодини айтиш муаммо нуқтаи назаридан текшириш адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Омон Мухторнинг романлари бадиий структурасида реалистик ва фантастик унсурларнинг ўзаро уйғунлашув механизмлари, қаҳрамон руҳиятини, сюжетни изчил ҳаракатлантириш, бадиий макон ва замонни тасвирлашдаги бадиий-эстетик функцияларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давр адабиётидаги реалистик принциплардан чекиниш, нореалистик тасвир ва бадиий шартлилик салмоғи орқиб боришининг омилларини Омон Мухтор ижоди мисолида ёритиш;

Омон Мухтор романларида реал воқелик моҳиятини очиқ рамзий-мажозий, мифологик образлар, фантастик эпизодлар ва тасвирлар билан алоқадорликда кечганини асослаб бериш;

фантастик унсурларнинг қаҳрамон психикаси, руҳиятида кечувчи мураккаб жараёнлар ифодасидаги функционал аҳамиятини бадиий-эстетик жиҳатдан тадқиқ этиш;

Омон Мухтор романларидаги сюжетни ҳаракатлантиришда фантастик унсурларнинг муҳим поэтик вазифа бажаришини асослаш;

Омон Мухтор эпик ижодида бадиий шартли замон ва маконнинг реал хронотоп билан муносабатини текшириш орқали уларга хос муҳим бадиий хусусиятларни ойдинлаштириш;

реализм ва фантастика уйғунлигини тадқиқ этиш орқали адиб романлари поэтикасининг муҳим қирраларини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Омон Мухторнинг мустақиллик йиллари ва ундан кейинги даврда яратилган “Тўрт томон қибла” трилогияси,

⁴ Воронин В.С. Законы фантазии и абсурда в художественном тексте. Издательство Волгоградского государственного университета, 1999; Гугнин А.А. Магический реализм в контексте литературы и искусства XX века. – Москва, 1998; Тодоров Ц. Введение в фантастическую литературу. – Москва: Дом интеллектуальной книги, 1999; Семибратова И.Б. Типология фантастики в русской прозе 30-40-х годов XIX века: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1973; Чебанюк Т. А. Фантастическая повесть в историко-литературном процессе 20-х – начала 40-х годов XIX века: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1979; Чернышева Т.А. Природа фантастики. – Иркутск, 1984; Кагарлицкий Ю. Что такое фантастика? – Москва, 1974; Овчаренко О. Магический реализм // Теория литературы. Литературный процесс. Москва, 2001; Манн Ю. Фантастическое и реальное у Гоголя // Вопросы литературы. – Москва, 1969. №9; Тмарченко Е. Уроки фантастики // В мире фантастики. – Москва, 1989; Пузий В. Фантастика: Между притягательной силой жанра и неодолимой харизмой метода, или Спасение утопающих // Реальность фантастики. – 2004. – №5; Чумаков В. Фантастика и ее виды // Вестн. Московского ун-та. Сер. 10: Филология. – Москва, 1974; Кагарлицкий Ю. Реализм и фантастика // Вопросы литературы. – Москва, 1971. №1.

“Афлотун”, “Ффу” каби романлари олинган. Шунингдек, қиёсий таҳлил учун ўзбек ва жаҳон адабиётидаги айрим бадиий асарларга ҳам мурожаат этилган.

Тадқиқотнинг предметини нореалистик тасвир ва замонавий реализм муносабати, ўзаро уйғунлик касб этиш механизмлари, фантастик унсурларнинг эпик асар структурасидаги ўрни ва бадиий функциялари, уларнинг реалистик тасвирини тўлдириши каби масалалар ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда биографик, социологик, тарихий-қиёсий, психологик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фантастик замон ва макон тасвири ижтимоий-сиёсий давр руҳига хос хусусиятларни тўлақонли ҳис қилиш, мукаммал кўринишини тасаввур этишга қаратилгани, уларнинг ўзаро алоқадорлик касб этиши исботланган;

Омон Мухтор ижодий тафаккури воқеликнинг пластик образини яратишга эмас, инсон руҳиятида қолдирган изларини ифодалашга қаратилгани асосланган;

фантастик унсурларнинг қаҳрамон ботиний олами, маънавий-руҳий қиёфасини ёритишда асосий бадиий восита сифатида қўлланилгани, асар бадиий структурасидаги белгиловчи ўрни, сюжетни ҳаракатга келтиришда бажарган эстетик ҳамда поэтик вазифаси аниқланган;

реализм ва фантастиканинг қоришиқ ҳолда тасвирланиши, аввало, миллий фольклор таъсири, шунингдек, бадиий адабиёт ва дунё адабиётига хос тасвир принципи асосида пайдо бўлгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Омон Мухтор романларини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётшунослигининг назарий асосларини бойитиши, адабиётшунослик фанлари бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

адибнинг эпик ижоди мустақиллик даври ўзбек романчилигида жанр табиатидаги ўзгаришлар ва поэтик изланишлар асосларини белгилашда муҳим манба экани далилланган;

Омон Мухтор романларида реализм ва фантастика уйғунлиги масаласини ўрганиш натижасида бадиий тафаккурнинг янги босқичга кўтарилгани исботлаб берилган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган илмий мақолалар адабиёт таълимида талаба ва ўқувчиларнинг дунёқарашини ўстириш, бадиий-эстетик тафаккурини шакллантиришда муҳимлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, қўлланилган ёндашув ва тадқиқ усуллари ҳамда назарий маълумотларни беришда муайян илмий манбаларга асосланилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий хулосалар ва назарий умумлашмалар романчилик ва поэтика масалаларига оид кейинги

тадқиқотларни амалга оширишда, ҳозирги адабий жараён дарслигининг тўлиқ вариантыни тайёрлашда муҳим манба экани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материалларидан адабиётшунослик назарияси, бадиий таҳлил асослари, ўзбек адабий танқиди тарихи, роман поэтикаси, ўзбек модерн адабиёти фанлари бўйича маърузалар ўқиш, махсус курс ва семинарлар ўтишда, янги ўзбек адабиёти соҳасида талабалар билим ва малакаларини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Омон Мухтор романларида реализм ва фантастика уйғунлиги масаласини тадқиқ этиш, илмий ва амалий натижаларни белгилаш асосида:

реал хронотоп, фантастик замон ва макон тасвири, уларнинг ўзаро алоқадорлик касб этишига оид хулосалардан ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 13 октябрдаги 1701/261-сон маълумотномаси). Натижада фольклор мотивлари билан боғлиқ маълумотлар мазмунан бойитилган, халқ оғзаки ижодининг бугунги адабий жараёнга таъсири масаласини аниқлашда манба бўлиб хизмат қилган;

Омон Мухтор романларида воқеликнинг пластик образини яратиш, инсон руҳиятида қолдирган изларини ифодалаш, бадиий психологизм муаммосига оид назарий ва амалий таклиф, тавсиялардан Карабук университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимида (Туркия Республикаси) бажарилган TED734 Türkistan Milli Uyanış Edebiyatı, TED323 Özbek Edebiyatı, TED226 Çağdaş Türk Dünyası Edebiyatı II, TED305 Çağdaş Türk Lehçeleri I, TED306 Çağdaş Türk Lehçeleri II дарсларида фойдаланилган (Карабук университетининг 2021 йил 28 октябрдаги маълумотномаси). Натижада дарслар илмий-назарий далиллар билан бойитилиб, бадиий адабиётнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-эстетик аҳамияти батафсил ёритилишига асос бўлган;

фантастик унсурларнинг қаҳрамон ботиний олами, маънавий-руҳий қиёфасини ёритишда асосий бадиий восита сифатида қўлланилгани, асар бадиий структурасидаги белгиловчи ўрни, сюжетни ҳаракатга келтиришда бажарган универсал поэтик вазифасига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маҳалла” телерадиоканали “Умр дафтари”, “Зиё дарғалари” номли илмий-маърифий кўрсатувларида фойдаланилган (“Маҳалла” телерадиоканалининг 2022 йил 7 январдаги 01-02-04-11-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-маърифий жиҳатдан салоҳияти ортишига, бадиий адабиётнинг тарбия воситаси сифатидаги аҳамиятини очиб беришга эришилган;

адиб ижодида реализм ва фантастиканинг қоришиқ ҳолда тасвирланиши миллий фольклор таъсири, бадиий адабиёт ва дунё адабиётига хос тасвир принципи асосида пайдо бўлгани ҳақидаги таҳлиллардан Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним шеърят” ижодий тўғараги фаолиятида, адабий кечаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 01-03/1058-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ёш ижодкорларнинг Омон Мухтор асарларини теранроқ англашларига, тасаввурларини кенгайтиришга қўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқот усуллари ва илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари санаб ўтилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изоҳланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, унинг апробацияси ҳамда тадқиқот натижаларининг эълон қилингани, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Фантастик унсурларнинг қаҳрамон руҳиятини очишдаги роли”** деб номланган. Биринчи фасл **“Фантастик унсурлар табиати ва бадиий психологизм масаласи”** деб юритилади. Бунда “Минг бир қиёфа” романида фантастик унсурларнинг персонаж руҳий оламини ёритишдаги бадиий-эстетик функцияси хусусида фикр юритилади. Маълумки, бадиий асардаги инсон образининг ўқувчи кўз олдида тўлақонли гавдаланиши учун унинг сурати билан бирга сийратини ҳам тасвирлаш зарур. Бадиий психологизмнинг эпик асардаги аҳамияти энг аввал шу билан белгиланади. Персонажнинг ички оламида кечаётган жараёнлар, ўй-хаёллари ва ҳис-туйғулари тасвири, хатти-ҳаракатлари ва айтаётган гап-сўзларининг психологик асосланиши – булар бари бадиий психологизм деб тушунилади⁵.

⁵ Умутов Х. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Ташкент: Фан, 1983. – 146 б.; Куронов Д. Руҳий дунё таҳлили. (“Кеча ва кундуз” романида характерлар психологизми). – Тошкент: Хазинов, 1995. – 144 б.; Холмуродов А. Одил Ёкубов романларида психологизм: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 1991. – 153 б.; Ботирова Ш. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм (Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувоzanат”,

Персонаж руҳиятини тасвирлаш ва таҳлил қилиш, психологик асослашнинг эса турли-туман воситалари мавжуд. Шундай восита сифатида қўлланган нореалистик унсурларнинг бадий функциялари “Минг бир қиёфа” романидаги ҳайдовчисиз автобус образи, персонажларнинг вазият тақозоси билан ўрин алмашиб қолиш мотиви ва тўққиз қаватли қошона (“Тарих ва Маданият” ташкилоти) билан боғлиқ фантастик ҳолат мисолида кўриб ўтилган. Ўрни билан айрим реалистик тасвирлар таҳлиliga юзланиш орқали фантастик унсурлар замиридаги реалликни кўламли тарзда ёритиш, асар бадий ғоясини мукамал тушуниш, кашф этиш мақсад қилинган.

Адабиётшунос Е. Волощук “темир йўл образида инсоннинг эрксизлиги, унинг техника ботинида яширин кучга тобелиги ғояси мавжуд”⁶ деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, шундай. Маълум бир издангина юришга мажбур поезд ва трамвайни инсон эрксизлиги рамзи сифатида талқин қилиш кенг оммалашган. Омон Мухтор романидаги автобус семантик жиҳатдан поезд мотиви билан бир уяни ташкил этади, иккиси ҳам улов (транспорт воситаси) ўлароқ одамларни бир макондан ўзга маконга олиб боради. Бу маънода автобус ҳам, поезд ҳам битта инвариант мотивнинг вариантлари саналиши керак. Бироқ Омон Мухтор романидаги “автобус”нинг генезиси умуман улов эмас, балки инсонни эркидан маҳрум қилиб, ўз истакларига бўйсундирувчи улов мотивига боғланади. Бундай мотив сўз санъатида жуда қадим тарихий генезисга эга: тилсим сўз унутилгани сабаб ўзбошимча ҳаракатланадиган дулдул (қанотли от) ё учар гилам, ҳинд эпосидаги бошқарувдан ҳалос бўлган жанг араваси ё дуо таъсирида чавандозига бўйсунмай олиб қочаётган тулпор кабилар. “Минг бир қиёфа” романида эса техниканинг куч-қудрати ва инсон эрки масаласи автобуснинг ҳайдовчисиз бошқарилиши билан фантастик тарзда тасвирланади. Машина Абдулла Ҳакимни банди этгани ва Оқишқизғиш бино қаршисига келтирилиши қаҳрамоннинг ҳалокати, техник мотивнинг ёвузликка хизмат қилишини англатади. Персонаж автобусга чиққан илк лаҳзаларда муаллиф томонидан берилган характеристика воқеалар давомида унинг ўзини тутиши, ҳатти-ҳаракатлари, шунингдек, фаришталарнинг “Сен оқимга тушган ҳас эдинг, оқим қаёққа олиб борса, кетаверардинг” деган айбловида ҳам ўз тасдиғини топади.

Асқад Мухторнинг “Чинор” ва Омон Мухторнинг “Минг бир қиёфа” романлари мавзу ва бадий муаммо нуқтаи назаридан жиддий фарқланса-да, ҳар икки романда ҳалок бўлган персонажнинг ўзга ном билан дафн этилиши кузатиладики, ушбу сюжет мотиви пировардида муаллиф бадий ниятини амалга ошириш, персонажнинг психологик ҳолатини ҳаққоний тасвирлаш, ички конфликтни кучайтириш, шунингдек, китобхонга эмоционал таъсир ўтказишнинг оптимал варианты бўлиб чиқади. Фольклорда ҳам, ёзма адабиётда ҳам турли кўринишларда учровчи вазият тақозоси билан

“Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” романлари мисолида): филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Қарши, 2019. – 156 б.

⁶Волощук Е. Вот как мы заблудились (Художественная реальность притчи Ф.Кафки “Железнодорожные пассажиры” в контексте развития антропоцентрической парадигмы). – Москва: Викно в свит, 1998. – № 2. С. 80.

қахрамонларнинг ўрин алмашиб қолиши мотивининг бу икки романдаги талқинлари қиёсланганда, биринчисида психологик конфликт етакчилиги ва персонаж руҳиятида кечаётган зиддиятларни тафтиш қилиш мақсади устуворлиги, иккинчисида эса қахрамон-муҳит конфликт етакчи мавқеда бўлиб, психологик тасвир персонаж руҳиятини ёритиш билан бирга давр манзарасини рўй-рост кўрсатишга хизмат қилгани кўринади.

И.Султон “Адабиёт назарияси” китобида табиат ҳодисалари ва кўринишлари сюжет ривожини тезлатувчи ёки секинлатувчи омил, қахрамоннинг жисмоний ва руҳий қобилиятлари учун синов ва энг асосийси, образ руҳий ҳолатини очиб бериш воситаси эканини уқтиради⁷. Кутилмаган шамолдан бошланган воқеалар, аввало, сюжетни ҳаракатлантиради ва персонаж руҳий оламига кириб боришга ҳам йўл очади. Мазкур фантастик ҳолат орқали қахрамонни ошиқ қиёфасида тўлақонли тасаввур қиламиз, руҳиятидаги эврилишлар тадрижини кузатамиз. Қолаверса, айтилган фантастик тасвирдан сўнг юзага чиққан айрилиқ изтиробини Садиржонни Абдулла Ҳаким шеърларига яқинлаштиради. Унинг шоир шеърларида ўз дарду армонлари ифодасини туйиши, узоқ вақт давомида шу шеърлар таъсирида яшаб, руҳий таскин топиши, ҳикоятларни мазмунан боғлайди. Абдулла Ҳакимнинг ижодий қиёфаси ўзи бевосита иштирок этган биринчи ҳикоятда эмас, Садиржон образи, унинг руҳий изтироблари фонида иккинчи ҳикоятда муфассал бўй кўрсатади. Умуман, муаллиф бадиий асар инсон руҳини поклашга хизмат қилиши зарурлигини Садиржоннинг Абдулла Ҳаким шеърларига муносабати орқали ифода қилади.

Кутилмаганда кўтарилган шамолнинг шаҳар марказидаги тўққиз қаватли кошонани кимсасиз чўлга олиб кетиши фантастика. Бу орқали табиий воқеалар ғайритабиий воқеага мустаҳкам боғланади. Бироқ мазкур бадиий шартли тасвир реал асосга эга. Муаллиф “абадиятга даъвогар комфирқа”⁸ нинг асл қиёфасини фош этиб, кишилар руҳиятида қолдирган қора изларини бадиий тадқиқ этган.

“Минг бир қиёфа”да анъанавий реализмдан жиддий чекиниш бор. Шу билан бирга, роман ўзи яратилган давр ва шу даврнинг ижтимоий муҳити билан чамбарчас боғлиқ – реал ҳаёт ҳақида, реал ҳаётдаги реал одамлар, уларнинг турфа тақдирларию феълларидан баҳс этувчи асардир. Унда реалистик ва нореалистик унсурлар ғоят табиий бир тарзда уйғунлашиб кетганки, бу хусусияти билан роман насримизда янгича тасвир тамойилларига йўл очди, анъанавий ва ноанъанавий прозамиз орасига кўприк бўлиб тушди.

Бобнинг иккинчи фаслида **туш ва хаёлот тасвири руҳиятни акс эттириш воситаси сифатида** тадқиқ этилган. Биламизки, хаёл инсоннинг доимий ҳамроҳи. У хаёл воситасида болаликка қайтиши ёки келажакка саёҳат қилиши, орзу-армонларини эслаб, умидланиши ва ё тушқун ҳолатда бўлиши мумкин. Бу табиий. Француз адиби Ж.П.Сартр фикрича, дунёдаги

⁷ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б.116.

⁸ Қуронов Д. Адабий ўйлар. – Тошкент: Tugon zamin ziyo, 2016. – Б.27.

ҳар қандай конкрет ва реал онг реалликдан ташқарига чиқишни ифодалайдиган даражада хаёл билан тўлдирилади⁹. Бадий асарда ҳам қаҳрамон ўй-хаёлларини ифодалашдан турли бадий мақсадлар кўзда тутилади. “Тўрт томон қибла” трилогияси таркибидаги романларда хаёл салмоғи тадрижий ўсиб бориши кузатилади. Биринчи роман “Минг бир қиёфа”да персонаж хаёлотидан уйғун тарзда фантастик тасвирга ўтиб кетилиши билан характерли биргина эпизодик нореал лавҳа тасвирланса, “Кўзгу олдидаги одам”да Валижон хаёлларига кенгрок ўрин берилиб, тахайюл эркинлиги муаллифга “инсон онгининг чуқур пучмоқларини тасвирлаш, унинг онг ости қатламларига таъсир қилиш орқали бадий мулоқотни амалга ошириш”¹⁰да қўл келади. “Тепаликдаги хароба”да эса хаёлот роман марказида туради. Гарчи Мирза Ғолиб хаёлларида ранг-баранг, бир-биридан олис макон ва замонга оид ғайритабиий ҳодисалар учраса-да, синчковлик билан қаралса, барининг замирида реаллик ботин экани, муаллиф реал борлиқни, ўз даврини мушоҳада этаётгани аёнлашади. Қисқача айтганда, хаёлот Омон Мухтор асарларида нореалистик тасвир имкониятларини юзага чиқариш учун кенг йўл очади. Қаҳрамон хаёлотни ўз руҳияти, ички эврилишлари, психологик зиддиятларни ифодалашда муҳим ўрин тутди.

Туш – ҳаёт ва хаёл чегараси. Унга қадимдан илоҳий ҳодиса деб қаралган. Туш иккиёқлама табиатга эга бўлиб, бир томондан, у хаёлий, реалликда содир бўлмаган ёки содир бўлиши умуман мумкин бўлмаган ҳодиса сифатида кўрилса, иккинчи томони, тушдаги рамзийлик қатида реал ҳаёт акс этади. У моҳиятига кўра, реалликка монанд ёки реаллик ва фантастика қоришувидан иборат, нореал бўлади. Аммо, ҳар икки ҳолатда ҳам рамзий маънога эга бўлиб, тўлиқ мазмуни рамзлар моҳиятини англаш орқали очилади. “Тўрт томон қибла” трилогиясида персонажлар ботинидаги қарама-қаршилик, ўй-изтироблар тушдаги воқеалар фонида теран очиб берилади. Ёзувчи синовда тобланаётган, тушқун ҳолатда қолган қаҳрамон психикасини туш орқали муфассал ёритишга эришади. Масалан, “Кўзгу олдидаги одам” романида тасвирланган қуйидаги туш ижтимоий тузум берган “тарбия”нинг аччиқ меvasи тўғрисида ўйлашга мажбур қилади.

“Тушимга улғайиб қолган Бегона-болам кирган эди! У катта соч қўйган; бошини эгиб, мендан силашимни сўраябди!

Силаб кўрсам, соч остида билинмай турган – иккита шох бор!”¹¹.

Тушдаги воқеа Валижон ўйларига уйқаш; у Бегона боласини хотирлаганда ёвузлик, жаҳолат хаёлидан кетмайди. Соч остидаги иккита шох шайтонлик белгисидай туюлиб, боланинг Сирож муаллимга, Иблислик ўчоғи бўлган унинг хонадонига алоқадор эканини эслатаверади. Қаҳрамон гуноҳкор бўлса-да, ота сифатида ўз боласи бобосининг (Сирож муаллимнинг)

⁹ Сартр Ж.П. Воображаемое. Феноменологическая психология воображения. – Москва: Наука, 2001. – С.306.

¹⁰ Куронов Д, Шералиева М, Мамажонов З. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б.292.

¹¹ Мухтор О. Кўзгу олдидаги одам // Китобда: Мухтор О. Тўрт томон қибла. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.274.

жирканч ишларида давомчи бўлишини истамайди. Вужудидаги энг катта кўркув шундан. “Тепаликдаги хароба”да эса персонаж туш кўриб, уйғонган пайтдан бутунлай бошқа одамга айланиб, Боғни тарк этишга ўзида куч топади. “Ффу” романидаги туш эса Тоштемирнинг эзгулик томон ҳаракатланишига омил бўлиб, шу жиҳати билан трилогия романларида тасвирланган тушлардан фарқланади.

Диссертациянинг **“Фантастик унсурлар ва сюжет динамикаси”** деб номланган иккинчи бобида фантастик унсурларнинг сюжетни ҳаракатга келтириш, илдам ривожлантиришда тутган ўрни масаласига тўхтаб ўтилган.

Бобнинг биринчи фаслида **Сюжет қурилишида фантастик унсурлар функционалиги** тадқиқ этилган. Қадимдан ўзбек ва жаҳон халқлари фольклори, бадий насрида кўзгу деталининг ташқи кўриниши – тузилиши, ўзига хос белгилари, фантастик хусусиятлари тасвирига алоҳида урғу берилган. Муаллиф тавсифида, персонаж нутқида, баъзан, ойна тилидан ғайриоддий хусусиятларнинг баён қилиниши буюмнинг магик восита эканига ўқувчини ишонтириб, сюжет ривожига содир бўлувчи сирли ҳодисаларга ҳиссий-интеллектуал жиҳатдан тайёрлайди.

“Кўзгу олдидаги одам” романида М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” асаридаги сингари кўзгунинг ғайриоддий функциялари, ташқи кўринишидаги ўзгачалик ошкор айтилган эмас. “Уста ва Маргарита”да кўзгу “чанг босиб ётган”, Омон Мухтор романида эса йўлакда турган хўжалик жиҳози – шунчаки ойна сифатида тасвирланади. Ҳар икки ёзувчи талқинида деталь “чанг босиб ётган” буюм, хўжалик учун керакли жиҳоз даражасидан кўтарилади. Булгаков романида кўзгунинг мистик кучи – қаршисида мавжуд бўлмаган шахсни ўзида акс эттириши ва ундан малласоч одамнинг чиқиб келишида кузатилса, “Кўзгу олдидаги одам” романида кўзгу қаҳрамоннинг асл моҳиятини кўрсатувчи бадий деталь. Бу жиҳати билан у “Оппоғой ва етти гном” эртагидаги каби вазифа бажаради: кимнинг ким эканини аниқлаб беради.

Қадимдан инсонлар орасида кўзгудаги аксда сеҳр-жоду мужассамлиги, айниқса, тунда кўзгуга қараган кишининг руҳига иблис кўчиб ўтиши ҳақидаги қарашлар кенг тарқалган. “Уста ва Маргарита” романида шайтон малайларининг ойнадан чиқиб келиши, “Кўзгу олдидаги одам”да эса Иблис қиёфасининг кўзгуда аксланиши шу дунёқарашнинг суяк суриб ўтиб келган изларидир. Иккала роман турли давр ва мамлакатда яратилишига қарамай, уларни муштарак жиҳатлар – кўзгу детали, деталь воситасида юзага чиққан иблис (Воланд, Сирож муаллим) образи бирлаштиради.

Омон Мухтор романининг сарлавҳасидаги икки асосий компонент – “кўзгу” ва “унинг қаршисида турган одам”га муҳим бадий-эстетик юк ортилган. Шунга қарамай, на “кўзгу”, на “кўзгу олдидаги одам” ташиётган бадий информация асар сўнгигача ошкор этилади. Кўзгунинг **моҳияти** ва унинг бутун роман воқеаларининг бошланишига сабаб бўлган **синишида** асарнинг асосий мазмуни ботин бўлса ҳам, персонаж буни арзимас воқеа сифатида баҳолайди. Кўзгуни оддий жиҳоз сифатида қабул қилиб, унинг

синишидан чуқур маъно изламайди. “Кўзгуни биров синдирганми, ўзи синганми – шунга ҳам ота гўри қозихонами?! Синса синибди-да”¹². Валижоннинг диққати деталь ва унда яширин мазмунга эмас, юз бераётган ғайриоддий воқеаларга, руҳиятида содир бўлаётган чалкашликларга қаратилади. Муаллифнинг бадиий мақсади ҳам айна шу – ўқувчини воқеалар билан чалғитиб, керакли ахборотни асар сўнгига қолдириш.

Фольклоршунос А.Мусақулов сув ва унинг атрибутлари сифатида шабнам, томчи, булок, қудук, **арик**, сой, **дарё**, муз, ховуз, қор, **ёмғир** каби образларни санаб ўтади¹³. “Кўзгу олдидаги одам” романида сув мотиви “ёмғир”, “ипдек арик”, “дарё” ва унга функционал жиҳатдан ёндош бўлган кўзгу образи воситасида юзага чиқади. Романда ёмғир ёғиб, осмоннинг тўрт бўлакка бўлиниш эпизоди бир неча ўринда такрорланади. Аммо мазкур ҳодисалар ортидан ажабтовур воқеалар бўртиқ ҳолда тасвирланадики, китобхон диққати рамзларга эмас, рўй бераётган ноодатий ҳодисаларга қаратилади. Бундай тасвир йўсини рамзларга яширинган маъноларни илғашда қийинчилик туғдирса-да, сирлилини ошириб, китобхон диққатини роман сўнгига қадар тутиб туради. Романнинг “Мулоқот” деб номланган “Биринчи саҳифа”си ёмғир ёғиши ва момақалдиروқ бўлиб, тўрт бўлакка бўлинган осмон тасвири билан бошланади. Сюжет ривожланиб, ечимга томон силжиганда ушбу ҳодиса такроран рўй бериб, аввалги воқеаларга боғланган янги бир тугун ўртага ташланади. Ёмғир ёғиб, осмон тўрт бўлакка бўлинганидан сўнг тартибсизлик – мактаб биносида Сирож муаллим ва учувчи Бадалбекнинг бир-бирини кучоқлаб ётган жасадлари топилиши, одамларнинг саросимага тушиши – юзага келади. Маълумки, сув мифологияда тўфон – ҳалокат семаси билан боғлиқ тарзда талқин қилинади. Месопотамия тарихидаги “Тўфон” ҳақида миф ёки Нух пайғамбар замонида содир бўлган тўфон қаҳрамон тақдирини бошқа ўзганга буриб юборади. Миф ва Қуръон сюжетидаги тўфон ифодалаган мазмун бош планда бўлгани ҳолда, романдаги ёмғир, момақалдироқ, осмоннинг тўрт бўлакка бўлиниши дастлаб, кутилмаган воқелик сифатида эмас, балки куз келгач, содир бўлган одатий табиат ҳодисасидек таассурот уйғотади. Масалан, биринчи гал ёққан ёмғир қироатхонадан икки жасаднинг топилиши – антиқа воқеа – билан пардаланиб, кўп-да эътиборимизни тортмайди. Синчковлик билан қаралса, ғайриоддий воқеалар айнан ёмғирли кунда бошланиб, шундай кунда Валижон гоҳ Иблис, гоҳ унинг малайларига рўбарў бўлади. Ёмғирдан сўнг ташқи муҳитдагина эмас, балки қаҳрамон руҳиятида ҳам тартибсизлик бошланади. Валижоннинг икки йил олдин ҳалок бўлган одамни учратиши ортидан пайдо бўлган саволлар, уларга жавоб топиш илинжидаги ҳаракатлар роман сюжетини жадал ривожлантиради.

Романда сув семасига алоқадор образлардан яна бири ипдек арик деталі бўлиб, у икки ҳудуд – реал макон ва фантастик маконни бир-биридан ажратиш, тўсиқ маъносида қўлланган. Валижон ҳар гал ипдек ариқдан хатлаб

¹² Мухтор О. Кўзгу олдидаги одам // Китобда: Мухтор О. Тўрт томон қибла. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.191.

¹³ Мусақулов. А. Ўзбек халқ қўшиқларининг тарихий асослари. – Тошкент: Фан, 1994. – Б.15.

ўтаркан, турли-туман ғайриоддий воқеа-ҳодисаларга дуч келаверади. Жумладан, кўримсиз йиртиқ чопонни эслатувчи чойхона (чойхонани айлана шаклида ипдек ариқ ўраб олган) ва унда икки йил олдин ҳалок бўлган Сирож муаллимни учратиши, ёки бутун бошли чойхонанинг ғойиб бўлганини кўриши, тиланчининг изидан бориб, ариқдан ўтиши билан ўзга бир мистик маконга тушиб қолиши кабилар. Мистик макондаги суҳбатда ҳақиқатни аниқлагач, кўз очиб қараса, ипдек ариқ олдида турган бўлиб, ариқдан хатлаб КАТТА ЙЎЛга қадам қўяди.

Кўзгу, ёмғир ва ипдек ариқ – уч образ бир фокусга жамлангандагина улар бажарган функция тўла ойдинлашади. Ёмғир сирли ҳодисалар бошланмаси, шу билан бирга ёвуз кучларнинг ер юзига тушганидан дарак. Ипдек ариқ реал макон – Ширинкўлни фантастик маконлар – чойхона, дурагайлар-у жониворлар яшовчи макондан ажратиб турувчи халқа, шу билан бирга худди кўзгу сингари акс эттириш воситаси: Валижон қалбидаги Иблисни реалликда Сирож муаллим қиёфасида акслантириб беради. Романнинг барча воқеалари персонаж ўз қалбидаги шайтон (Сирож муаллим қиёфасида)ни кўриб қолишидан ва ўзи ҳақидаги ҳақиқатларни англашга уринишидан ўсиб чиқади.

Адабиётшунос А.Лебедев “шахс мезони” ҳақида тўхталиб, образнинг барча аломатлари, хусусиятлари уни “тирик одам” сифатида қабул қилишга имкон беради, деб ҳисоблайди. Сирож муаллим образининг ташқи белгилари: кийими – ҳаво ранг костюм, олачипор бўйинбоғ, одати – бош бармоғининг орқаси билан чап қошини сийпаши, алоҳида белгиси – манглайидаги ёшликдан қолган тиртиқ – булар бари онгимизда уни тирик одам ўлароқ жонлантиради. Энг муҳими, муаллиф образнинг индивидуал хусусиятларини тасвирлаш орқали Иблисининг Сирож муаллим – инсон эканига ўқувчини ишонтиради. Унинг жирканч персонаж сифатида талқин қилинмагани асар бадиий ғоясига мос тушади. Адиб мустабид тузум сиёсати кишиларни кўр-у кар қилиб, Раҳмон-у шайтонни фарқлай олмайдиган, эътиқоди заиф “валижонлар”ни тарбиялаганига урғу беради.

Ушбу бобнинг иккинчи фаслида **нореалистик вазиятларнинг сюжетни ҳаракатлантириш функцияси** ҳақида сўз боради. М.Бахтин синовга қурилган авантюра романлар табиатини белгиловчи бош хусусиятлардан бири – **мутлақ тасодиф**ни қадимги юнон романлари мисолида ўрганади¹⁴. Унинг фикрича, “бирдан”, “шу пайт” сингари замонни ифодаловчи бирликлар келган нуқтадан ақлга сиғадиган воқеалар оқими ўз ўрнини махсус мантиқ асосида ҳаракат қилувчи замонга бўшатиб беради.

Ёзувчи романларида мутлақ тасодифни Бахтин қарашларидаги замон бўлаклари билан бирга **кутилмаганлик** (асосан “кутилмаганда” сўзидан кейин) юзага чиқаради. “Тепаликдаги хароба” романи қаҳрамони тушган кутилмаган вазият иккита: реалистик ва нореалистик кўринишда намоён бўлади. Дастлаб, реалистик: “... **кутилмаганда** ҳамма нарса остин-устин

¹⁴ Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б.52-59.

бўлиб кетди. Уни Бош раҳбар ҳузурига чақиртиришди”¹⁵. Икки ўртада кечган диалог орқали, аввало, Мирза Ғолиб шахсиятининг муҳим қирралари, шунингдек, даврнинг типик хусусиятлари ойдинлашади. Раҳбардан “хушхабар” эшитган қаҳрамоннинг жавоби: “Мен ишдан қочмайман, Мардонкул ака. Жоним билан! Лекин ҳозир боролмайман” тарзида, бунинг сабаби – “Уйда хотинимнинг ой-куни яқин. Қарайдиган одам йўқ” – кўринишида моддийлашади. Мирза Ғолибнинг “Мен ҳозир бормайман. Керак бўлса, аризам тайёр, майли бўшатинг, Мардонкул ака. Лекин бормайман!” – дейишигача борган суҳбат бошлиқнинг “Ҳозир бориш шарт. Мендан талаб қилишяпти... <...> узоғи билан бир ҳафта ичида, албатта, одам юборамиз”¹⁶ – ваъдаси билан якунланади. Персонаж табиатидаги мутелик эътирозини ариза ёзишга тайёрлиги билан билдирса-да, лаҳзалик бу жасоратини раҳбар ҳеч бир қийинчиликсиз енгиб ўтганида кўринади. Қолаверса, Бош раҳбарнинг ўзи ҳам эркин одам эмас: “Ҳозир бориш шарт. Мендан талаб қилишяпти...”¹⁷. Реалистик кутилмаганлик деганимиз шуки, Мирза Ғолиб билан рўй берган ҳодиса кундалик турмушда бот-бот кузатилади; иш жараёнида ҳар биримизнинг кутилмаган буйруқ ёки таклиф билан юзма-юз келишимиз эҳтимоли ҳамиша мавжуд.

Мирзо Ғолиб тўқайзорда дуч келган воқеалар, аксар, нореалистик кўриниш касб этади. Масалан, майдон ўртасидаги тепаликка дуч келиши реалистик, аммо қай томон юрмасин қайта-қайта шу тепалик қаршисидан чиқиши, тепаликдаги хароба ичида рўй берган ҳодисаларнинг аксари нореалистик воқеалар сифатида роман сюжетида саргузашт руҳини олиб киради, уни шиддат билан ҳаракатлантиради. Эътиборли жиҳати, қаҳрамоннинг ҳашарга юборилишидан то тепаликдаги харобага йўлиққунча кечган ҳодисалар реал хронотопда содир бўлса, кейинги воқеаларда тахайюлнинг етакчилиги кузатилади. Роман бадиий ғоясини ифодалашга хизмат қилган кенг кўламли воқеалар ҳам Мирза Ғолиб ҳаёлотида рўй беради. “У. Жемсга кўра, инсон онги дарё оқимида монанддир, бу оқимда ҳис-туйғулар, ўй-фикрлар, туйқус пайдо бўлувчи ассоциациялар бир-бири билан бетартиб алмашилиб туради, мантиқан изоҳлаб бўлмайдиган даражада бир-бирига чатишиб кетади”¹⁸. Ҳақиқатдан, инсон ўй-хаёллари тизгинсиз, хаёлда кечаётган жараёни маълум мақсад билан тартибга солиб, ҳикоя қилишнинг ўзиёқ бадиий шартлилик салмоғини оширади. “Тепаликдаги хароба” романида адиб реалистик муаммони онг оқимида таяниб, шартлилик ва фантастика кўмагида бадиий мушоҳада этади.

Тарихга қайтиш хаёл ва фантастика ёрдамида амалга ошадики, биринчи навбатда, Шарқ ва Ғарб бадиий тафаккури синтезлашади, роман бадиияти сеҳрли ва жозибали руҳ билан бойитилади. Тарихий шахсларнинг ҳаёт йўли, тарихий воқеалар тасвири “Тепаликдаги хароба” романи сюжетининг

¹⁵ Мухтор О. Тепаликдаги хароба // Китобда: Мухтор О. Тўрт томон кибла. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.301.

¹⁶ Юкоридаги манба. – Б.301.

¹⁷ Юкоридаги манба. – Б.301.

¹⁸ Қуронов Д, Шералиева М, Мамажонов З. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 209 б.

салмоқли қисмини ташкил этса-да, асар тарихий мавзуда ёзилган романлардан жиддий фарқланади. Бундай мавзудаги асарда тарихий образ – персонаж, деталь, хронотоп тарихий ҳақиқатга мос келиши ва бадиий ҳақиқат шундан ўсиб чиқиши шарт. Тарихий-бадиий асар муаллифи ўтмиш воқелигини ўқувчи кўз олдида жонлантириб, аجدодлар дунёқариши, орзу-армонларини тасвирласа-да, асар тағзамирида ўз даври қиёфаси, у билан боғлиқ ўй-хаёллари яширин бўлади. Яъни, мақсад ва восита ўзаро ўрин алмашади. Омон Мухтор учун тарихий воқеаларни бир бутунликда тасвирлаш муҳим эмас. Адиб бадиий ният ижроси учун тарих материалдан ёрдамчи унсур сифатида фойдаланади. Тарихий шахслар образи мутелик ҳојлари сингдирилган мудроқ “онг”нинг уйғонишига, сюжет воқеаларини ечим томон ҳаракатлантиришга кўмаклашади. Кўрамизки, тарихий мавзудаги асарда ўтмишга мурожаат этиш орқали “ҳозир” идрок этилса, Омон Мухтор романида “ҳозир” воқеалари тарихий воқеалар билан қоришиб кетади. Бадиий шартлилик эса ровийнинг ҳар икки замонга эмин-эркин кўчиб юришини таъминлайди.

“Ффу” романи композицион қурилишида фольклорга хос сюжет ва мотивлар яққол кўзга ташланади. Роман сюжетининг изчил ривож, бошқа ўзанларга бурилиши, ечимга томон боришида ҳам ёзувчининг миллий фольклор анъаналарига эргашгани сезилади. Оқибатда қадим халқ оғзаки ижоди янги давр романи билан ажиб бир уйғунлик ҳосил қилади.

“Ёймачи” Ҳайдар Махсум ва Мулла Тошпўлат ўртасидаги суҳбат китобхон диққатини тортади. Боиси, мазкур суҳбатда сюжетни ҳаракатга келтирган сирли, кутилмаган ва нореал ҳодиса юзага чиқади.

– Мен сотадиган нарсанинг сизга кераги йўқ! – деди “ёймачи” босиқлик билан. – Юз-кўзингиздан кўриб турибман!

– Балки, менга керакдир?! Сиз қаждан биласиз! <...>

– Сиз барибир олмайсиз!

– Оламан! Хўш гапираверинг.

– Ақлимни ярмини сотаман!”¹⁹

Аввало, халқ эртакларида ақлни сотиш эмас, “бир гапим уч тилло” сюжети учрайди. Шунини сотиб олган қаҳрамон, албатта, ўз ниятига етади. Яъни фольклорда инсон ақли эмас, ақлида пишиб етилган сўз (гап) сотилади. Омон Мухтор романига бу ақл кўринишида кўчган бўлиб, сюжетни ривожлантирувчи воситага айланади.

Диссертациянинг **“Фантастик унсурлар: бадиий вақт ва бадиий макон”** деб ном олган учинчи бобнинг биринчи фасли **“Реал ва бадиий шартли хронотоп муносабати”**га бағишланган. “Хронотоп” термини рус олими М.Бахтин томонидан ўтган асрнинг 30-йилларида адабиётшуносликка татбиқ этилган”²⁰. Ўзбек адабиётшунослигида мазкур муаммо адабиётшунос

¹⁹ Мухтор О. Аёллар мамлакати ва салтанати.: Романлар ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 9.

²⁰ Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: F.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.106.

У.Жўракулов тадқиқотида²¹ илк марта яхлит, тизимли ҳолда ва кенг кўламда ўрганилганини қайд этиш лозим. Бахтинга кўра, хронотоп бадиий асардаги жанр, композиция, сюжет, матн структураси, образларни уйғун (ягона макон-замон негизиди) акс эттирувчи универсал поэтик ҳодиса ҳисобланади. Омон Мухтор асарларида хронотоп масаласини махсус ўрганиш ва баҳолаш роман бадииятини мукамал тушуниш, муаллиф идеали, ғоявий-бадиий ниятини тўлақонли англаш, қолаверса, муайян давр ва ижтимоий-маданий ҳаёт ҳақида хулосавий фикрлар айтишга имкон беради.

